



20 20 у « 5 » ноябрь

№ К-615

« ___ » _____ 20 ___ г

Шеробод тумани “Кўхитанг” массиви “Қорабоғ” маҳалласи ҳудудидан “XUMO SHER” МЧЖга “Савдо шахобчалари, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, дорихона, маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, тез овқатланиш шахобчалари, санитария-гигиена шахобчалари ва бепул wi-fi зоналари” қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 октябрдаги 03-02/697-сон йиғилиш баёни, Шеробод тумани ҳокимининг 2020 йил 04 сентябрдаги 01-05/1124-сон хатини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 октябрдаги 03-02/697-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Шеробод тумани “Кўхитанг” массиви “Қорабоғ” маҳалласи ҳудудидан “XUMO SHER” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 1123қ ва 1125қ-дала контурларидаги 0,70 гектар яйлов ер майдонида “Савдо шахобчалари, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, дорихона, маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, тез овқатланиш шахобчалари, санитария-гигиена шахобчалари ва бепул wi-fi зоналари” қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “XUMO SHER” МЧЖ “Савдо шахобчалари, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, дорихона, маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, тез овқатланиш шахобчалари, санитария-гигиена шахобчалари ва бепул wi-fi зоналари” қуриш мақсадида 0,70 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 8 820 126 (саккиз миллион саккиз юз йигирма минг бир юз йигирма олти) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўз вазирлиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами

4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Шеробод тумани ҳокимлиги (А.Амиров) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Сувонкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов